

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ**

Қўлдёзма ҳуқуқига
УДК: 338.432:300,364

САПАРОВ ТУРДИАЛИ ОРТИҚОВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА
ДАРОМАДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ МУНОСАБАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

(Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалик
ширкатлари мисолида)

08.00.01.– “Иқтисодий назария” ихтинослиги

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2001

C-38

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети "Иқтисодиёт назарияси" кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар:

иқтисод фанлари номзоди, доцент
Умаров Камолжон Юсупович

Расмий оппонентлар:

иқтисод фанлари доктори,
профессор Шодмонов Шерқул
Шодмонович

иқтисод фанлари номзоди,
профессор Бекназов Норбай
Умарович.

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат техника университети

Диссертация 2001 "23" февраль соат 14 да Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражаси ҳимояси бўйича А. 005. 10. 02 Бирлашган ихтисослашган кенгаҳда ҳимоя қилинади.
Манзил: 700003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳкӯчаси, 45

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2001 йил "22" январь да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгаҳ
ilmий котиби, иқтисод фанлари
номзоди, доцент

Х.П. Абулқосимов

Ишнинг умумий тавсифи

Тадқиқот мавзусининг долзарбилиги. Бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида тақсимот муносабатларини такомиллаштириш катта аҳамиятта эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. А. Каримов** иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштириш борасида гапириб: "ислоҳотлардан мақсад – кишиларнинг меҳнатта муносабатини ўзгартириш, ҳақиқий мулкорлик, ижара шартномаси асосида ўзларига берилган ерга, унда етиштирилган маҳсулотга эгалик туйғусини қарор топтириш эканини улар ҳали тўлиқ тушуниб етмаяпти. Токи, ҳар бир деҳқон ўз меҳнатининг сифати ва самарадорлигига яраша ҳақ олишига, рағбатлантирилишига ишонч ҳосил қилас мас экан, шуну билиб қўйинглар, қишлоқда ҳеч қандай жиддий ўзгаришга эришиб бўлмайди"¹, – деб таъкидаб ўтган.

Меҳнатта кўра тақсимлаш қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг оладиган даромадлари миқдори, даставвал, уларнинг ҳар бирининг шахсий меҳнат улушидан иборат бўлишини билдиради, унинг қийматига кўра тақсимланиши эса меҳнат ҳиссасининг даромад билан боғлиқлигини ифодалайди. Аммо қишлоқ хўжалиги ходимларининг даромадларини меҳнат хиссасига кўра тақсимлашда фарқлар кузатилади. Чунки уларнинг малака даражаси, меҳнат унумдорлиги ҳам бир – биридан фарқ қиласди. Шундан келиб чиқсан ҳолда, меҳнатни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш ва ундан қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларида эгалик ҳиссини тарбиялаш йўлида унумли фойдаланиш керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида даромадларни тақсимлаш муносабатларини такомиллаштиришнинг ўзига ҳослиги шундаки, унда меҳнат ҳақинигина эмас, балки истеъмолга йўналтирилган ижтимоий жамоат фондларининг рағбатлантирувчилик роли ҳам ўсиб боради. Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун мазкур муаммо жуда ҳам долзарб масала ҳисобланади. Ушбу муаммонинг долзарблиги яна шу билан ошиб борадики, қишлоқ хўжалигига ходимларнинг меҳнат ҳақлари уларнинг меҳнат хиссасига мувофиқ бўлиши таъминланиши зарур. Шунинг учун, қишлоқ хўжалигига тақсимот муносабатлари, ишлаб чиқаришнинг тақсимот билан ўзаро алоқалари, айирбошлиш ва истеъмол, ижтимоий ва иқтисодий манфаатларнинг уйғулиги, бозор иқтисодиёти шароитида тақсимот муносабатларини

¹ И. А. Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Тошкент, "Ўзбекистон", 2000 й., 81 – бет.

такомиллаштириш кабиларни тадқиқ этиш муҳим аҳамиятта эга бўлмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси Кейинги йилларда иқтисодчи – олимлар томонидан мазкур муаммони ўрганишга жиддий эътибор қаратилди. Жумладан республика олимларидан А. Абдуганиев, Х. Аллақулов, Б. Мингбоев, Э.Ф. Набиев, Ж.Т. Рӯзиев, А. Турсунов, С.Н. Усмонов, А. Қодиров, Ш.Ш. Шодмонов, Б.А. Эркавеев, Р.Р. Ҳасанов, ва бошқа иқтисодчилар ушбу долзарб муаммони ўрганишда ўзларининг илмий салоҳиятини қўшганлар.

МДХ олимларидан В. Комаров, А. И. Ноткин, В. Д. Ракоти, В. Т. Рязанов, М. И. Сидорова, Е. М. Треняпков ва бошқалар ўзларининг илмий ишлари орқали бу муаммони ҳал этишда салмоқли ҳиссаларини қўшганлар. Бу муаммо, асосан, собиқ тоталитар тузум иқтисодиёти асосида таҳдил қилинган ва шу асосда илмий хуносалар чиқарилган эди. Бозор иқтисодиёти шаклланиши жараёнида бу муаммони қайтадан ўрганишни тақазо этади. Шуни таъкидлаш жоизки бозор иқтисодиётига ўтишнинг ilk босқичида иқтисодий тақсимот ва ишлаб чиқариш муносабатларининг айрим томонлари қишлоқ хўжалиги мисолида илмий асосда кўриб чиқилган.

Тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари. Мазкур илмий – тадқиқот ишининг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалик ширкатларида даромадларни тақсимлаш муносабатларини ўрганиш ва уларни такомиллаштиришга доир назарий ва амалий тақлифларни ишлаб чиқиши ҳамда бу борада тегишли тавсиялар беришдан иборатdir.

Мазкур мақсадни амалга ошириш учун диссертацияда қўйидағи вазифалар қўйилган:

- хўжалик юритишнинг янги шароитларида даромадларни тақсимлаш муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқиш;
- ишлаб чиқариш ва даромадларни тақсимлаш муносабатларининг ўзаро боғлиқлигини ва тасирини ўрганиш;
- қишлоқ хўжалигида иқтисодий ва ижтимоий рағбатлантиришиларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳдил қилиш;
- қишлоқ хўжалигида даромадларни тақсимлаш муносабатларининг иқтисодий самарадорлигини оширишни ўрганиш;
- меҳнатни тўғри баҳолаш ва унга ҳақ тўлаш қишлоқ хўжалиги ходимлари эҳтиёжларини қондиришнинг асосий манбай эканлигини асослаб бериш;
- қишлоқ хўжалигида иқтисодий ва ижтимоий рағбатлантиришнинг янгича шаклларини аниқлаш.

Тадқиқот обьекти. Тадқиқотнинг асосий обьекти сифатида Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ хўжалик ширкати хўжаликлари асос қилиб олинган ва Хоразм вилояти қишлоқ хўжалик ширкати хўжаликларининг материаллари асосида тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари – аграр масалалар, хўжалик юритиш механизми ва тақсимот муно-сабатларини такомиллаштириш, қишлоқда яшовчи аҳолининг иқтисодий фаровонлигини оширишни такомиллаштириш масалалари бўйича чиқарилган Республика Президентининг Фармонлари, Вазирлар Мажхамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.А.Каримовнинг** асарлари ва иқтисодчи олимларнинг тадқиқ этилаётган мавзу юзасидан чоп этилган илмий ишларидан иборат.

Диссертация устида ишлаш жараёнида тадқиқ этилаётган мавзуга бағищланган илмий, монографик адабиётлар ва бошқа турли хил ўқув – услубий қўлламаларда чоп этилган маълумотлар ўрганилди ҳамда фойдаланилди.

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикаси Макро – иқтисодиёт ва статистика вазирлигининг йиллик маълумотлари, Хоразм вилояти қишлоқ хўжалик ширкати хўжаликларининг йигма маълумотлари ва қишлоқ хўжалиги ширкати хўжалик – ларининг йиллик ҳисоботлари таҳдил қилинди.

Диссертацияда иқтисодий – статистик, қиёслаш, монографик ва бошқа тадқиқот усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилити қўйидагиларда акс эттан:

- даромадларни тақсимлаш иқтисодиётни эркинлаштириш нуқтаи назаридан кўриб чиқилган;
- ишлаб чиқариш ва даромадларни тақсимлаш муносабат – ларининг ўзаро боғлиқлиги ва бир – бирита таъсири асослаб берилган;
- қишлоқ хўжалигига иқтисодий ва ижтимоий рағбатланти – ришиларнинг янгича шакллари ва аҳамияти аниқланган;
- бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатни тўғри баҳолаш ва унга ҳақ тўлашни такомиллаштириш қишлоқ хўжалиги ходимлари эҳтиёжларини қондиришнинг асосий манбай эканлиги асослаб берилган;
- қишлоқ хўжалигига иқтисодий ва ижтимоий самарадор – ликнинг ўзаро боғлиқлиги очиб берилган;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида даромадларни тақсимлаш муносабатларини такомиллаштириш бўйича хуносалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, унда тадқиқот натижалари асосида даромадларни тақсимлаш муносабатларини такомиллаштиришга, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида уларнинг самарадорлигини оширишда иқтисодий ва ижтимоий рағбатлантиришларнинг ўзаро алоқаларига доир тавсиялар ишлаб чиқилган ва назарий жиҳатдан илмий тарзда асослаб берилган.

Тадқиқотда берилган илмий назарий тавсияларни мамлакатимиздаги барча иқтисодий олий ўқув юртларида ўрганилаётган "Иқтисодиёт назарияси" фанини ўқитишида фойдаланиш мумкин.

Айниқса, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ишлаб чиқаришнинг аграр муносабатлари, агробизнес, ялпι миллий маҳсулот, ҳаражат шакллари, даромадларни ошириш омиллари, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, даромадларни тақсимлаш, дэхқон ва фермерларнинг меҳнат ҳиссасига мувофиқ ижтимоий ва иқтисодий тақсимотнинг уйғулиги каби масалаларни ўрганишда кенг фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари, тадқиқотдаги илмий хуносалардан агробизнеснинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланувчи мутахассисларни тайёрловчи илмий даргоҳларда ҳам кенг фойдалансабўлади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва бозор муносабатларига ўтиш жараёнида янги хўжалик юритувчи субъектлар: дэхқон хўжалиги, фермер хўжалиги, соҳибкорлик, қишлоқ, ширкат хўжаликлари уюшмаларидағи долзарб иқтисодий муаммоларнинг янгича ечимини қўлланилишида асосланиш мумкин.

Айниқса, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилигига, унинг вилоят ва туман бўлимларида аграр фирмалар ва ширкат хўжаликларида қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш жараёнидаги иқтисодий муносабатларда, омилкорлик, самарадорликни ошириш, даромад ва соф фойдани муттасил кўпайиб боришини таъминлашнинг иқтисодий омили сифатида даромадларга кўра тақсимлашда рақобатчилик мухитини юзага келтиришга доир илмий тавсияларда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамадан ўтказилиши. Тадқиқотнинг асосий илмий натижалари 1994 – 2000 йиллар давомида Ангрен давлат педагогика институти профессор – ўқитувчилари жамоасининг илмий – назарий анжуманларида маъруза қилинди. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг Иқтисодиёт факултетининг Бирлашган илмий – назарий кенгашида; Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги "Давлат ва жамият қурилиши"

академияси "Бозор иқтисодиёти асослари ва тамоиллари факультетининг илмий – услубий семинарида муҳокама қилинган. Тошкент Иригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти иқтисодиёт факультетининг бирлашган илмий – назарий кенгашида; Йўлдош Охунбобоев номидаги Тўқимачилик ва енгил саноат институти "Муҳандис – иқтисодчи" факультети "Иқтисодиёт назарияси" ва "Тўқимачилик ва енгил саноати иқтисоди менежменти", "Пахта тозалаш ва тўқимачилик саноати маркетингги ва аудити" кафедраларининг кенгайтирилган илмий кенгашида муҳокама қилинган. Тадқиқотнинг асосий илмий натижалари иқтисодий назария курсининг "Талаб ва таклифнинг тенглиги назарияси", "Бозор иқтисодиёти шароитида аграр муносабатлар ва ер рентаси", "Меҳнатига кўра тақсимлаш, аҳолининг даромадлари ва фаровонликнинг ўсиши" бўйимлари юзасидан маъruzalар ва амалий машгулотлар дарсида фойдаланилмоқда. (ЎзМУ "Иқтисодий назария" кафедрасининг 16 – сонли 1999 йилдаги далолатномаси).

Диссертациянинг асосий мазмуни тадқиқотчи томонидан Республика марказий журнallарида ҳажми 2,5 б.т. бўлган 5 та мақола ва ҳажми 2 б.т. бўлган 1 та услубий кўрсатмада чоп этилган.

Диссертация ишининг ҳажми ва таркибий тузилиши.

Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, ўрганилган ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан изборат.

Диссертация 147 саҳифадан изборат бўлган матнда баён этилган бўлиб, таркибида 15 та жадвал ва 2та чизма бор.

Кириш қисмida мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти, унинг ўрганилганлик даражаси асослаб берилган. Тадқиқот обьекти ва моҳияти, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, назарий ва амалий жиҳатдан кўрсатиб берилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва услубий асослари аниқлаб чиқилган.

Диссертациянинг "**Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тақсимот муносабатларининг методологик асослари**" деб номланган биринчи бобида хўжалик юритишнинг янги шароитларида бозор муносабатларининг моҳияти, ишлаб чиқариш муносабатларининг тақсимот муносабатлари билан ўзаро алоқалари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иқтисодий ва ижтимоий рағбатлантиришларнинг ўзаро уйғунлиги каби масалаларнинг моҳиятлари очиб берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби "**Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида меҳнатни рағбатлантириш тизимининг самарадорлиги**" деб номланган бўлиб, унда қишлоқ хўжалигидан тақсимот муносабатларининг иқтисодий ва

ижтимоий самарадорлиги таҳлил этилган, қишлоқ хўжалиги ширкати хўжаликларида вужудга келган иқтисодий ва ижтимоий тақсимот муносабатларининг туб сабаблари очиб берилган ва уларни такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар берилган.

Учинчи боб "Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ходимларга меҳнат натижаларига яраша ҳақ тўлашни такомиллаштириш" деб номланган бўлиб, унда ходимларнинг меҳнат ҳиссасига кўра тақсимлаш жараёни қишлоқ хўжалиги ходимлари эҳтиёжларини қондиришининг асосий маnbай эканлиги тадқиқ этилган. Бозор иқтисодиётининг шаклланиши шароитида республика аграр соҳасидаги иқтисодий ва ижтимоий рағбатлантиришларнинг ўзаро боғлиқлиги асослаб берилган.

Диссертациянинг хуросасида, таҳлил этилган тадқиқотлардан келиб чиқсан ҳолда умумлаштиришлар, тегишли хуросалар ва таклифлар баён этилган бўлиб, улар, бизнинг фикримизча, келгусида қишлоқ хўжалиги ходимлари ўртасидаги даромадларни уларнинг меҳнати ҳиссасига кўра тақсимлаш муносабатларини такомиллаштиришга ўзининг ижобий ҳиссасини қўшади ва турмуш фаровонлигининг ўсиши учун хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг асосий мазмуни

Ишда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида тақсимот муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиши жамият тараққиётининг муҳим босқичи ҳисобланади.

Тақсимлаш муносабатлари ишлаб чиқариш муносабатларининг барча жиҳатлари билан мӯстаҳкам боғлиқdir. Кўп укладли иқтисодиёт мавжуд бўлган шароитда тақсимот муносабатларини такомиллаштириш зарур. Бу, даставвал, тақсимот муносабатларининг асоси ҳисобланадиган меҳнатта кўра тақсимлашни такомиллаштиришдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқки, ҳалқ хўжалигини бошқаришнинг маъмурий – буйруқбозлик тизими шароитида ходимларнинг даромадларини тенглаштириш тўғрисидаги фикр шаклланган эди. Аммо мамлакатимиз олимларининг асаллари ва хорижий адабиётларда бараварлаштиришга ижобий баҳо берилган ҳолларни учратиш қийин. Лекин собиқ иттифоқ даврида тенглаштириш сиёсати юргизилган эди. Ходимларнинг иш ҳақларини баробарлаштиришга интилиш оқибатида меҳнат мотивлари барҳам топа бошлаган эди. Бунинг оқибатида хўжалик юритишга лаёқатсиз ёндашув ва унинг юритиш усуларидан моҳирона фойдалана олмаслик вужудга

келган ва уларни иқтисодиётни инқирозга олиб келган муҳим сабаблардан бири деб ҳисоблаймиз.

Инсон – бу ишлаб чиқаришнинг асосий таркибий қисми. У асосий ишлаб чиқарувчи куч ҳисобланиб, айни бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш муносабатларининг субъекти ҳамдир. Аммо иқтисодий фанларда ишлаб чиқариш ва тақсимот муносабатларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар бир ёқлама характеристерга эга бўлиб, уларда инсонни ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш муносабатларининг субъекти эканлиги инкор қилинди. Шунинг учун Республика тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим ҳолатини таъминловчи кучли ижтимоий сиёsat керак бўлдики, бу инсоннинг яратувчилик меҳнатини рағбатлантириш, ўз меҳнати самарасидан баҳраманд бўлишига имкон яратади.

Республиканинг иқтисодий тараққиёти, даставвал, жамият аъзоларига боғлиқ.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида тақсимот муносабат – ларини такомиллаштириш керак. Бунда, даставвал, мавжуд салбий ҳолатларни енгib ўтиш керак. Сўнгра шунга эришиш лозимки, тақсимловчи механизм меҳнат қилмай олинадиган даромадларга, меҳнатта баб – баравар ҳақ тўлашга, хуллас, бозор иқтисодиёti меъёрлари ва тамоилларига зид бўлган барча нарсага ишончли тўсиқ бўлиб, хизмат қиласин.

Жамият иқтисодий қурилишининг янги шароитларида меҳнатига кўра тақсимлаш масалалари инсон омилини фаол – лаштиришни ҳар томонлама рағбатлантириш билан мустаҳкам боғлиқлиқда ҳал қилиниши зарур.

Моддий бойликлар ва ишлаб чиқариш воситаарини тақсимлаш ишлаб чиқариш муносабатлари тизимида боғловчи бўғин вазифасини ўтайди. У, ишлаб чиқарувчилар жамоавий алоқалари шакли ҳисобланади. Тақсимот муносабатлари ҳар қандай ижтимоий – иқтисодий тузумнинг ўзига хос хусусият – ларини аниқлашда муҳим рол ўйнайди ва мазкур муаммога иқтисодчилар томонидан эътибор қаратилиши зарурлигини талаб этади.

Даромадларни тақсимлаш – ишлаб чиқариш усулининг характеристерини белгилайди.

Тақсимот муносабатларининг жами мураккабликлари юқори даражадаги мустақиллик, барча жиҳатларининг ўзаро алоқалари каби ўзига хосликларга эга. Уларнинг энг юқори даражадаги мустақиллиги тақсимлаш обьектларини ҳар бирининг ўзига хослиги билан асосланган бўлиб, хўжалик юритиш шароитида вужудга келадиган ўз вазифалари ва аниқ шароитларда

шаклланадиган ўзига хос тақсимлаш механизми билан асосланади (1 – чизма).

1–чизма

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган жами маҳсулотнинг тақсимланиши

Ишлаб чиқарилган жами маҳсулот		
Коплаш фонди	Миллый даромад	Зарарни қоплаш
		Ташқи савдо қолдиги
		Кредит учун фоиз ҳақи
Истеъмол ва жамгариш учун фойдаланилган миллый даромад		
Истеъмол фонди	Жамгариш фонди	
Иш ҳақи фонди	Ишлаб чиқаришни кентайтириш учун	
Жамоа хўжаликлари аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлаш	Мудофаани мустаҳкамлаш учун	
Бюджетдан бериладиган пул тўловлари	Давлатни мустаҳкамлаш учун	
Шахсий ёрдамчи хўжалиқдан олинган тушумлар	Захира фондини яратиш учун	
Бошқа харажатлар		

Шуни таъкидлаш лозимки бозор иқтисодиёти шароитида жамият аъзоларининг иқтисодий манфаатлари муаммоларига қизиқиши сезилиарли даражада ошди.

Иқтисодий манфаатлар тизимида асосий ўрин умумхалқ манфаатларига берилади ёки уларни жамият манфаатлари, деб ҳам атайдилар. Умумхалқ манфаатлари ва жамоа манфаатларини бир хил деб хисоблаш мумкин эмас, чунки улар хар хил мазмунга эга. Умумхалқ манфаатлари бутун ҳалқининг манфаатларини акс эттиради, жамоа манфаатлари эса ижтимоий табақаларнинг шу жумладан, меҳнат жамоаларининг иқтисодий манфаатларини акс эттиради. Шунинг учун умумхалқ, жамоавий ва шахсий иқтисодий манфаатларни ажратиш ҳам мумкин.

Бизнинг фикримизча, иқтисодий манфаатлар ва эҳтиёжлар асосий тушунчалардир, чунки эҳтиёж иқтисодий категория сифатида моддий ва маънавий нарсаларга объектив заруритни акс эттиради ва ишлаб чиқаришнинг таъсири остида ривожланади ҳамда айни вақтнинг ўзида унга тескари таъсир кўрсатади. Яъни эҳтиёжлар иқтисодий манфаатларнинг

шаклланишида муҳим ўринга эга бўлади, эҳтиёжсиз манфаат йўқ, аммо иқтисодий манбаатларсиз ҳам эҳтиёж йўқ.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти қарор топиши шароитида шахс, жамоа ва жамият иқтисодий манбаатларининг ўзаро боғлиқлиги ошади.

Шундай қилиб, қуийдаги хулосани чиқариш мумкин. Ишлаб чиқариш кишиларнинг моддий манбаатларини қондирадиган истеъмолга мўлжалланган нарсаларни яратади, яъни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ҳом аштёни етказиб бериш орқали эҳтиёжга таъсир этади ва шу орқали эҳтиёжни оширади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Ишлаб чиқариш жараёнининг қишлоқ хўжалигидаги ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ишлаб чиқаришнинг ҳал қўйувчи воситаси ер ҳисобланиб, у сунъий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ўзида табиат маҳсулотини намоён қиласди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг алоҳида ажralиб турувчи ўзига хос белгиси – ишлаб чиқарилган ишлаб чиқариш воситаларининг маълум қисмидан, яъни ишлаб чиқариш жараёнида янгидан намоён бўладиган уруғдан, емдан, маъданли ўғитлардан ва бошқалардан фойдаланиш ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бошқа бир ўзига хослиги унинг мавсумийлигидир. Бу унинг қўлланиш мавсумига қараганда техника билан катта кўламда таъминланишини талаб қиласди. Бу қатъий равишда белгилаб қўйилган агротехник муддатларда барча ишлов бериладиган майдонлар утун ишлаб чиқариш жараёнининг етарли даражада ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучи билан таъминлашнинг зарурлиги билан асосланади (1 – жадвал).

Ушбу даврда ишлаб чиқариш асосий фонidlари 37,1 фоизга, ноишлаб чиқариш асосий фонidlари 50,9 фоизга камайди. Мавсумий ишчиларни экинларга ишлов бериш ва ҳосилни йигиб – териб олишга жалб қилиш 11,8 фоизга кўпайгани ҳолда, доимий ходимлар сони 9,0 фоизга камайди. 1995 йилдан бошлаб, асосий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фонdlарининг ўсиши кузатилмоқда.

Республика қишлоқ хўжалиги корхоналарида 1995 – 1999 йиллар ичida ишлаб чиқарилган ялии ички маҳсулот 1,7 маротабага кўпайган.

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ширкат
хўжаликларининг ишлаб чиқариш омиллари билан
таъминланганлик даражаси¹**

Турлари	Ўлчов бирлиги	Йиллар			1999й. 1993й.га нис – т % ҳис – да
		1993	1995	1999	
Жами өр фонди Шу жумладан: ҳайдалган экин майдонлари Экилган экин майдони	минг.га	44143,6	43625,6	43577,0	98,7
	минг.га	4059,1	3984,3	3954,3	97,4
	минг.га	3700,6	3626,5	3487,8	94,2
Асосий фонdlар Шу жумладан: ишлаб чиқариш асосий фонdlари Ноишлаб чиқариш асосий фонdlари	млн.сўм	56153,6	39529,0	32378,5	57,6
	млн.сўм	41897,1	14930,1	26370,0	62,9
	млн.сўм	9958,7	1454,8	4890,1	49,1
Жами ходимлар – минг киши Шу жумладан: доимий Мавсумий	минг к.	2125,5	2098,8	2006,4	94,4
	минг к	1957,7	1834,0	1781,7	91,0
	минг к	167,8	176,8	187,8	111,8

Қатор иктиносидчилар ишлаб чиқаришнинг истеъмол билан ўзаро боғлиқлигини тадқиқ этиш жараёнида ишлаб чиқариш ёки истеъмолнинг бирламчи ҳисоблананишини белгилашга интилади. Агар умумий тарзда гапирадиган бўлсак, инсон ҳаётининг бирламчи шарти ишлаб чиқаришнинг ривожланишига катта туртки берадиган истеъмол ҳисобланади. Аммо, бошқа томондан қараганда, хусусан ишлаб чиқаришнинг ўзи зарур эҳтиёжни яратади ва эҳтиёжларнинг ўсишига объектив равища таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш ва эҳтиёжлар тўғрисидаги масала ўзаро боғлиқлиқда кўриб чиқилиши керак ва улар бир – бирларига нисбатан навбати билан бирламчи бўладилар.

¹ – Ҳисоб – китоблар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотлари бўйича берилмоқда.

Меҳнатта кўра даромадларни тақсимлаш ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилганлиги сабабли унинг самарадорлиги, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий натижалилгини оширишда намоён бўлади. Олиб борилган 1993–1999 йил материаллари таҳлили шуни кўрсатадики, ишлаб чиқарилган ялси маҳсулот 32,5 фоизга, иш ҳақи эса 56,9 фоизга ўсган.

Хўжалик фаолиятини жадаллаштириш мақсадида, биринчи навбатда ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш, албатта, бозор иқтисодиёти шароитида моддий рағбатлантириш фонднинг, ишлаб чиқаришининг ўсиш даражасига боғлиқлигини кучайтириш талаб қилинади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлиги бундан бўён иқтисодий ўсишнинг ва меҳнатта кўра тақсимлашни яхшилашнинг омили ҳисобланади. Натижада Республикада ишлаб чиқарилган ялси ички маҳсулотда якуний истеъмол учун харажатлар (истеъмол фонди) 1995–1999 йилларда 8,3 фоизга кўпайди ва 81,2 фоизни ташкил қилди. Якуний истеъмол учун харажатлардан уй хўжалиги учун қилинган харажатлар шу давр мобайнида 6,1 фоизга кўпайди, давлат муассасаларининг якуний истеъмол учун қилган харажатлари 0,4 фоизга кўпайди. Шу жумладан, аҳолининг алоҳида эҳтиёжларини қондириш учун қилинган харажатлар 0,4 фоизга кўпайди ва 13,0 фоизни ташкил қилди, жамоа эҳтиёжларини қондириш харажатлари 1,4 фоизга кўпайиб, 15,1 фоизни ташкил қилди, ялси жамғариш (жамғариш фонди) эса, яъни асосий фондларнинг ўзгариши ва моддий айланма маблағларнинг заҳиралари ушбу даврда 5,4 фоизга камайди ва 18,8 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги ширкати хўжаликларида якуний истеъмол учун (истеъмол фонди) харажатлар 67,3 фоизни ва ундаги шахсий истеъмол фонднинг улуши 63,3 фоизни ташкил қилди. Якуний истеъмол учун харажатларнинг ўсиши, умуман олиб қаралганда, ички ялси маҳсулотнинг ўсиши асосида юз берди ва у таҳлил қилинган даврда 4,9 фоизни ташкил қилди¹.

Тақсимлаш муносабатларининг иқтисодий самарадорлиги жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигининг умумий мезонлари билан ўзаро боғлиқдир.

Меҳнатта кўра даромадларни тақсимлашнинг иқтисодий самарадорлик мезонларини қўйидаги тарзда аниқлашни таклиф этамиз: меҳнатта кўра тақсимлашнинг иқтисодий самарадорлик

¹ – Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирияги, статистика давлат департаменти маълумотлари.

мезонлари меҳнат унумдорлиги билан иш ҳақининг тўлиқ мувофиқ келишида намоён бўлади. Фақат иш ҳақининг меҳнат унумдорлигига тўлиқ мувофиқ келиши билангина қишлоқ хўжалик ходимлари ва жамоа хўжаликларининг моддий манбаатдорликларини тегишида равишда ошириш асосида ишлаб чиқарни кўрсаткичларининг ўсишини таъминлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалик ширкатларининг ҳар бир тармоғида – соф маҳсулотни иш ҳақининг бир сўмига нисбати орқали меҳнатта кўра тақсимлаб иқтисодий самараадорликнинг миқдорий мезонларини аниқлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ширкатларида меҳнатта кўра тақсимлаш иқтисодий самараадорликни оширишнинг йўлларидан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ширкатларида меҳнат ҳиссасига кўра тақсимлашнинг иқтисодий самараадорлигини унинг ижтимоий самараадорлигини аниқлашсиз ҳар томонлама кўриб чиқиш мумкин эмас.

Ижтимоий самараадорлик меҳнат ҳиссасига кўра тақсимлашнинг иқтисодий самараадорлиги билан боғлиқ бўлади ва натижада у нафақат ижтимоий, балки иқтисодий самараадорликни ҳам оширади, деб ҳисоблаймиз.

Илмий таҳлилимиз шуну кўрсатадики, жамоа эҳтиёжларини қондириш харажатлари таркибидаги энг катта қисми бирғаликда истеъмол қилиш учун фойдаланиладиган маданий тадбирлар фондига тўғри келади. Республика қишлоқ хўжалиги ширкати хўжаликларида жамоа эҳтиёжларини қондириш харажатларида маданий хизматлар кўрсатиш фондининг ўртacha улуши 1997 йилда 12,6 фоизин ташкил этди. Натижада 1994 – 1998 йилларда қишлоқлар аҳолисига маданий хизмат кўрсатиш ҳажми 9,4 фоизга кўпайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида тақсимот муносабатларига таъсир кўрсатувчи асосий омил меҳнат ҳиссасига кўра оқилона тақсимлаш иқтисодий қонуни, истеъмол харажатлари шакллантириладиган меҳнат унумдорлиги, талаб ва таклифнинг ошиш қонуни ҳисобланади.

Иш ҳақида миллий даромаднинг, истеъмол харажатлари, жамғараш харажатларининг ўсиши, ўзаро боғлиқ бўлган шахсий ва жамоавий манбаатлар акс этади.

Иш ҳақи ходимнинг жамоат ишлаб чиқаришида сарфлаган меҳнатининг миқдори ва сифатига мувофиқ равишида олган зарур маҳсулотининг қиймати сифатида аниқланиши қуйидаги устунликларга эта бўлади:

- биринчидан, ушбу белгилашда иш ҳақини вужудга келтиришнинг аниқ манбай – зарур маҳсулот кўрсатилган;
- иккинчидан, иш ҳақи икътисодий категория сифатида қўшган зарур меҳнатининг миқдори ва сифатини ҳисобга олган ҳолда миқдорий жиҳатдан аниқлик касб этади;
- учинчидан, иш ҳақи сарфланган меҳнатнинг миқдори ва сифатига боғлиқ равишда шахслар ўртасидаги зарур маҳсулотни алоҳида ҳолда тақсимлаш натижасидаги меҳнат даромади тури сифатида намоён бўллади;
- тўртингчидан, иш ҳақи, асосан, пул шаклида акс этади.

Фикримизча, иш ҳақини аниқлашнинг юқорида қайд этиб ўтилган таркибий қисмлари иш ҳақини ва унга мансуб бўлган қайта ишлаб чиқаришни, унинг рагбатлантирувчи ва ижтимоий тақсимот каби асосий вазифаларини аниқлашни методологик таҳдил қилишнинг асоси бўлиши мумкин.

Тахлиллар шуну кўрсатадики, ҳозирда иш ҳақининг ўсиши кузатилмоқда. 1995 – 2000 йилларда асосий иш ҳақи аҳолининг жон боши бўйича ўртача 53,8% га кўпайди⁴ ва 2000 йилда бир ойда ўртача 12433,9 сўмни ташкил қилди. 1995 – 2000 йилларда ширкат – жамоа хўжаликлари ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақлари 723,6 сўмга кўпайди ва 2823,6⁵ сўмни ташкил қилди. Шунга биноан аҳолининг 2000 йилдаги пул харажатлари ва жамғармалари 44,3 фойизни, шундан 39,0 фойизи истеъмол товарлари харажатларини ташкил этди. Ўттан 1999 – 2000 йил ичида аҳоли жон бошига олинган даромад 52,5 фойизга, пул харажати ва жамғармаси 52,8 фойизга, ҳар бир жон бошига қилинган пул харажатлари ва жамғармалари 51,5 фойизга, истеъмол товарларини ҳарид қилиш ва хизматларга ҳақ тўлаш 52,4 фойизга ўсди⁶. Ушбу кўрсаткичлар, албатта, умумий бўлиб, бу кўшишма иш ҳақига ҳам таъсир кўрсатади.

Таҳдил қилинган даврда қишлоқ хўжалиги ширкати хўжаликлари аъзоларининг ўртача ойлик ҳақи ўсиши кузатилган бўлиб, у 1994 – 1999 йиллар мобайнида 2,9 марта ўстган. Аммо ўсиш даражаси бўйича у саноатдаги ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақларидан бирмунча орқада қолаяпти.

Бизнинг фикримизча, бунинг сабаблари қўйидагилардан иборат:

⁴ – Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Статистика давлат департаменти маълумотлари асосида ҳисобланган.

⁵ – Муаллиф ҳисоби бўйича.

⁶ – Социально – экономическое положения Республики Узбекистан. За январь – сентябрь 2000 года. Т. 2000. №6, 186 стр.

- биринчидан, қишлоқ хўжалиги ширкати хўжаликлари аъзоларининг ой ва йил мобайнида жамоат хўжалигидаги бандиги саноат ходимларининг бандигига қараганда анча – мунча орқада қолаяпти;
- иккинчидан, банд бўлганларнинг ўртача йиллик сони ва жамоат ишлаб чиқаришида иштирок эттанларнинг ҳамда меҳнатга лаёқатлиларнинг сони бир – бирига мос келмайди. Чунки жамоат ишлаб чиқаришида иштирок эттанларнинг сонига бир ой мобайнида ҳар хил иш куни ишлаган шахслар ҳам қўшилади. Ушбу омиллар иш ҳақининг ўсишига салбий таъсир кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти қарор топиши шароитида тақсимот муносабатларини тартибга солувчи сифатида меҳнатга кўра тақсимлаш қонунининг талаблари ходимнинг меҳнат улуши билан унинг алоҳида истеъмол фондидан иш ҳақи кўринишида олган улуши ўртасида белгиланган мувофиқликка, бошқача қилиб айтганда, меҳнат ўлчови билан – иш ҳақи ўртасида белгиланган тенгликка риоя қилинишини талаб этади.

Шунга қарамай, меҳнат ҳиссасига кўра тақсимлаш қонуни барча жиҳатларида, ушбу қонуннинг ижтимоий мөҳиятини ташкил этадиган – меҳнат ўлчови ва иш ҳақи ўлчовининг муштараклиги ётади.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида моддий манфаатдорлик қишлоқ хўжалигига жамоат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Шахсий иқтисодий манфаатдорлик янги мөҳият касб этади ва у жамоавий иқтисодий манфаатдорликка боғлиқ бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий манфаатдорлик алоҳидалашувининг сабаби меҳнатта кўра тақсимлаш ва хусусий мулқчиликни шаклантириш ҳисобланади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида алоҳида меҳнат шахсий эҳтиёжларни қондиришнинг асоси бўлиб қолади. Шунинг учун, қуийдагича хулоса чиқариш зарур: шахсий иқтисодий манфаатдорлик ҳаёт кечириш воситалари фондини қайта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий шакллари билан боғлиқдир. Шунга мувофиқ равишда шахсий иқтисодий манфаатдорликни амалга ошириш шахсий манфаатдорликни, худди шунингдек, шахсий жавобгарликни кўзда тутиши мумкин. Бизнинг фикримизча, “иқтисодий манфаат” ва “манфаатдорлик” ўхшаш категориялар эмас. “Иқтисодий манфаат” категорияси кенг мазмунга эга ва умумий иқтисодий категория ҳисобланади. “Моддий манфаатдорлик” эса ходимларнинг фақаттина моддий манфаатдорликларини акс эттирувчи категория ҳисобланади.

Жамоавий иқтисодий манфаатдорликлар ҳам катта рол ўйнайди. Меҳнаткаш шахсий манфаатдорликда ўзининг шахсий иқтисодий манфаатдорликларини қондириш орқали жамоавий ва бутун жамиятнинг иқтисодий манфаатдорлигига эришишга интилади. Жамоавий иқтисодий манфаатдорликларнинг иқтисодий асоси алоҳида меҳнат жамоалари мулкчилигининг кўп укладли шакли ҳисобланади ва бу жамоавий иқтисодий манфаатдорликнинг ўзига хослигини белгилайди.

Иқтисодий манфаатдорликларнинг турларини таҳдилидан келиб чиқиб шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодий манфаатдорликни барча турининг субъектлари ўзининг алоҳида, жамоавий меҳнатининг натижаларидан манфаатдор бўлган ишлаб чиқариш ходимлари ҳисобланади.

Фақат барча иқтисодий манфаатларни амалга ошириш асосидагина жамият аъзоларининг эҳтиёжларини қондиришни таъминлаш мумкин.

Ижтимоий – иқтисодий рағбатлантиришларни ҳар томонлама ривожлантириш лозим. Меҳнатни рағбатлантириш қишлоқ хўжалигида банд бўлган ходимларни манфаатдорликларининг ўсишига олиб келади. Бу эса меҳнат унумдорлигининг ўсишига, ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайишига, маҳсулот сифатининг ошишига ёрдам беради. Натижада иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида даромадларни тақсимлаш масалаларни ўзаро боғлиқликада ҳал қилишни; тақсимлаш муносабатларини такомиллаштиришни талаб этади.

Диссертация юзасидан хуроса ва тавсиялар

Амалга оширилган тадқиқотнинг илмий натижалари бозор иқтисодиётiga ўтиш босқичида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида даромадларни тақсимлаш муносабатларини шакллантириш ва такомиллаштиришнинг назарий ва амалий умумлаштириларидан келиб чиқиб қўйидаги хуросалар ва таклифларни тавсия этмоқчимиз:

– Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш жамият тараққиёти ва хўжалик механизмини бошқаришда ишлаб чиқаришни ташкил этишини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш муносабатларининг барча жиҳатлари билан мустаҳкам болгиликда бўлган ишлаб чиқариш ва тақсимот муносабатларини такомиллаштиришда муҳим босқич ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши биринчидан, ички қарама – қаршиликлар асосида; иккинчидан, ривожланиб борувчи ишлаб чиқариш кучларининг таъсири

остида; учинцидан, ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик шаклларининг таъсири турличалиги остида юз беради.

— тақсимлаш — ишлаб чиқариш истеъмолини бундан бўён амалга ошириш мақсадида ижтимоий гуруҳлар ва айрим шахслар ўртасидаги моддий бойликларга ўсиб бораёттан эҳтиёжларни қондириш муносабати сифатида намоён бўлади.

Ушбу муносабатлар жамият манфаатлари ва ходимларнинг қўшган меҳнатига боғлиқ равишда яратилган моддий бойлика жамиятни ҳар бир аъзосининг улушкини аниқлаши зарур бўлган муносабатлардан иборатdir.

Эҳтиёжларнинг миқдори ва таркибий тузилиши табиий — иқлимий шароитларга, иқтисодий минтақаларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига, уларнинг ихтисослашувига, аҳолининг таркибий тузилишига, маҳаллий урф — одатларга боғлиқ бўлади. Ушбу ўзига хосликлар қишлоқ хўжалиги ходимларининг малака даражасига, ишлаб чиқариш воситаларини аниқ шароитларда самарали қўллашга боғлиқ бўлган меҳнат унумдорлигига акс этади;

— тақсимлаш муносабатлари ҳар бир субъектнинг ўзига хослиги, уларнинг хўжалик юритиш амалиётида аниқ шароитларда шакланадиган тақсимлашнинг асосий механизми билан асослаб берилган. Шу билан бирга, ушбу томонлар ўзида тақсимлаш жараёнининг ягона бўғинини намоён қиласди;

— шахсий манфаат ҳам моддий, ҳам маънавий кўринишда меҳнат қобилиятини амалга оширадиган одамнинг ажралмас туфма ўзига хослиги ҳисобланади. Бир хил манфаатларни бошқаларига қарама — қарши қўйиш эмас, балки уларни, аксинча, оқилона тарзда бошқариш лозим. Шахсий, жамоавий ва умумхалқ манфаатларининг уйғунлашуви, жамоат ишлаб чиқариши барча қатнашчилари фаолиятларининг муштараклигига эришиш ҳар бир субъектнинг бойишини англатади.

— шахсий иқтисодий манфаат ҳаёт кечириш учун зарур воситалар фонди, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий шакллари билан боғлиқдир. Шахсий иқтисодий манфаатни амалга оширишни шахсий манфаатдорлик сифатида ҳам, худди шунингдек, шахсий жавобгарлик сифатида ҳам назарда тутиш мумкин;

— бозор иқтисодиёти шароитида давлат бош ислоҳотчи сифатида тақсимлаш муносабатларига меҳнатни мөъёрлаш ва тарифлаштириш орқали, шартномалар асосида давлат харидини белгилашбўйича маълум даражада таъсир кўрсатади. Республика

хўкумати томонидан иш ҳақининг, пенсиянинг, стипендия ва тўловларнинг ошиши ҳисобига кучайтирилган ижтимоий ҳимоянинг ўтказилиши зарур маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини қисман таъминлайди;

— меҳнат ҳиссасига кўра тақсимлаш қонуни меҳнат ўлчови билан иш ҳақи ўлчови ўртасидаги ички боғлиқликни очиб беради. У мунтазам равишда иш ҳақини ходимнинг жамият томонидан тан олинган меҳнат улушкига боғлиқлигини изчилик билан кучайтириш қонуниятини аниқлашини акс эттирган ҳолда чуқурлаштирилади. Меҳнат ҳиссасига кўра тақсимлаш қонуни, яъни мазкур қишлоқ хўжалиги ходимига, унинг қобилияtlарига ва меҳнатсеварлигига бевосита боғлиқ бўлган меҳнат натижасини ҳисобга олади;

— бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритишнинг барча шакларида истеъмол меъёри билан меҳнат меъерининг мувофиқлигини таъминлаш учун ҳар бир қишлоқ хўжалиги ходимининг харажатларини ҳисобга олиш зарур. Айrim қишлоқ хўжалиги ходимларининг иқтисодий манфаатлари жамоа орқали амалга оширилади, чунки бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг ҳар хил шаклари фаолият юритади ва улар умуман ҳалқ хўжалигининг ҳар хил тармоқларини ўзида акс эттиради;

— моддий рағбатлантириш фонди меҳнатта ҳақ тўлашнинг таркибий қисми бўлиб, у сифатнинг яхшиланишини рағбатлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг кўпайишини таъминлайди. Моддий рағбатлантиришлар бевосита эришилган меҳнат унумдорлиги билан амалга оширилади;

— истеъмолни жамоа эҳтиёжларини қондириш харажатлари орқали қондириш ижтимоий-иктисодий вазифаларнинг ечимини топиш билан боғлиқ бўлган қатор масалаларни ҳал қиласи. Бу меҳнат ресурсларини қайта ишлаб чиқариш, ишчи кучи ва ўсиб бораётган ижтимоий муаммоларни қондиришдан иборат. Меҳнат ҳиссасига кўра тақсимлашнинг иқтисодий ва ижтимоий омилларининг нисбати меҳнат ҳақи ва жамоа эҳтиёжларини қондириш харажатларининг нисбатида акс этади. Бу нисбатлар ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлиги даражасини ҳисобга олган ҳолда маълум даврда вужудга келади ва улар доимо маълум нисбатда бўлишлари мумкин.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича муаллиф томонидан
қўйидаги мақолалар чоп этилган.**

1. Рыночные распределительные отношения. Ж. “Сельское хозяйство Узбекистана”. 1999 г. №3, ст., 59-60.
2. Меҳнатта кўра тақсимлаш. Ж. “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси”. 1999 йил №8, 52 – 55 – бетлар.
3. Бозор иқтисодиёти шароитида тақсимот муносабатларининг методологик асослари. Услубий қўлланама. ТошДУ наш. 1999 йил.
4. Ижтимоий – иқтисодий рагбатлантириш. Ж. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. 2000 йил №4. 5 – 7 – бетлар.
5. Экономическая эффективность распределительных отношений. -В сб.: Экономические и социальные аспекты политики стабилизации. М.: Институт экономики РАН 2001 г. 0,4 п.л.
6. Влияние социальной эффективности распределительных отношений. Ж. “Сельское хозяйство Узбекистана”, Ташкент, №1, 2001 г.

Краткое содержание

Диссертационной работы Сапарова Т.О. на тему: “Совершенствование распределительных отношений доходов в условиях либерализации экономики”, предоставленной на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности - 08.00.01.-“Экономическая теория”.

В условиях перехода к рыночной экономике совершенствование распределительных отношений в сельскохозяйственном производстве имеет большую актуальную значимость. Актуальность этой проблемы усиливается и тем, что в сельском хозяйстве необходимо обеспечить справедливое распределение материальных благ соответственно по труду. Целью данной диссертации является разработка в теоретическом и практическом аспектах предложений по совершенствованию распределительных отношений в акционерно-коллективных хозяйствах Республики Узбекистан. В диссертации были поставлены следующие задачи: рассмотреть распределительные отношения в новых условиях хозяйствования, изучить взаимосвязь производственных отношений с распределительными отношениями, проанализировать взаимосвязь экономических и социальных стимулов в сельском хозяйстве, обосновать распределение по труду как основной источник удовлетворения потребностей работников сельского хозяйства и определить экономическую и социальную эффективность распределительных отношений. На основе проведенного научного теоретического и практического анализа решены следующие вопросы: рассмотрены распределительные отношения с позиции перехода к рыночной экономике, обоснована взаимосвязь производственных отношений с распределительными отношениями, установлено сочетание экономических и социальных стимулов в сельском хозяйстве, определено распределение по труду как основной источник удовлетворения потребностей сельскохозяйственных работников в условиях рыночной экономики, выявлена взаимосвязь экономической и социальной эффективности распределительных отношений, даны выводы и предложения по совершенствованию распределительных отношений в сельскохозяйственном производстве.

Совершенствование распределительных отношений сельскохозяйственных работников обеспечить дальнейший рост их благосостояния.

Summary

of dissertation of Saparov T.O. on the theme: "Perfection of distributive relation incomes in the conditions of liberalization of economy" presented one's thesis for a doctor's degree 08.00.01 -"The theory of Economics".

In conditions of getting to the market economy the improving of distributive attitudes in agricultural production is great particular improtance. The actuality of this problem is increasing by, that in agriculture it is necessary to provide with true distribution of material welth according to the labour. The aim of this dissertation is reproducing theoretical and practical aspects of improving distributive attitudes in joint-stock companies of Republic of Uzbekistan. In dissertation were raized the following questions: to consider the distributive attitudes in new conditions of management to study intercommunication of productive attitudes with distributive attitudes to analyse intercommunication economic and social stimulus in agriculture to substantiate the distribution by labour like the base source of satisfaction worker's needs of agriculture and find economic and social effectiveness of distributive attitudes.

According to the scenticn theoretical and practical analysis the following questions are decided: looked through the distributive attitudes from the position of getting to the market economy, settled down intercommunication productive attitudes with distributive attitudes, established the combination of economic and social stimuluses in agriculture, found out the distribution by labour like the base source of satisfaction needs of agriculture workers in conditions of market economy, exposed intercommunication of economic and social effectiveness of distributive attitudes, are given conclusions and offers by improving distributive attitudes in agricultural production. Improving of distributive attitudes of agricultural workers to provide their increasing and prosperity.

A handwritten signature in black ink, appearing to be in cursive script, is positioned below the text. It consists of several loops and strokes, with a prominent 'T' at the top left and a horizontal line extending to the right.

Босиша руҳсат этилди 22.01.2001. Ҳажми 1,25 босма табоқ.
Бичими 60x84 1/16. Адади 80 нусха. Буюртма 36.
М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллӣй Университети
босмахонасида чоп этилди.